

**Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни  
пластик картага ўтказиш ҳақида  
ШАРТНОМА**

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ №\_\_ \_\_\_\_\_ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг \_\_\_\_\_  
филиали (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси \_\_\_\_\_ Низом ва  
Ишончнома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва юридик шахс \_\_\_\_\_

(кейинги ўринларда – Мижоз), иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида  
туздик.

**1-§. Шартнома предмети**

1. Мазкур Шартнома Мижоз ходимларига пластик карта махсус ҳисобварағи очиш ва иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун пластик карта бериш бўйича Банк билан Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни, шунингдек пластик картага хизмат кўрсатиш шартларини тартибга солади.

**2-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) пластик карталар бўйича амалга ошириладиган пул ўтказмаларини текшириш;
- б) Мижоз ходимларининг пластик картасини, ундан фойдаланишда бир неча бор қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги сабабли, олиб қўйиш;
- в) уч банк куни давомида тегишли ҳужжатлар тақдим қилинмаганда тўловни қайтариб юбориш.

3. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) ходимларнинг пластик карта махсус ҳисобварағига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида ўтказилишини талаб этиш;
- б) ходимларнинг пластик карта махсус ҳисобварағига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўғри ўтказиладиганлигини текшириш.

4. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) мазкур шартнома ва Мижоз ходимларининг пластик карта олиш учун берган индивидуал аризаси асосида уларга пластик карта махсус ҳисобварағи очиш ва пластик картани бериш;

- б) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни Мижознинг тўлов топшириқномаси ва тўлов ведомости асосида уч банк куни давомида Мижоз ходимларининг пластик карта махсус ҳисобварағига киритиш;

- в) Мижоз ходимларига уларнинг топшириғи бўйича пластик карта махсус ҳисобварағидан бошқа банклардаги ҳисобвараққа пул ўтказиш;

- г) Мижоз ходимидан пластик картанинг йўқотилганлиги тўғрисида ариза олингандан сўнг 48 соат ичида ушбу пластик карта бўйича операциялар амалга оширилишини тўхтатиш;

- д) Мижоз ходимлари пластик карта махсус ҳисобварағига оид операцияларни сир сақлаш.

5. Мижоз ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

- а) Банкда ўрнатилган иш режими, тўлов ҳужжатини расмийлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилиш;

- б) бошқа банкка ўтаётганда ёки фаолияти тўхтатилганда ходимларининг пластик картасини, белгиланган тартибда, Банкка қайтариб бериш.

### **3-§. Томонларнинг жавобгарлиги**

6. Банк, Мижоз томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш амалга оширилмаганда ёки улар ўз вақтида ўтказилмаганда, пластик карта эгаси – Мижоз ходими олдида жавобгар ҳисобланмайди.

7. Томонлар ушбу шартномада белгиланган ўз мажбуриятларининг бажарилишини бузганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича жавобгар ҳисобланади.

### **4-§. Шартноманинг амал қилиш муддати**

8. Мазкур шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилди, агар унинг муддати тугашидан энг камида бир ой олдин томонлардан ҳеч ким ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма тарзда хабар бермаган ҳолда, унинг муддати кейинги даврга узайтирилган ҳисобланади.

9. Мазкур шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

10. Шартнома бекор қилинганда томонлар бир ой ичида барча ўзаро ҳисоб-китобларни тўлиқ амалга ошириши шарт.

### **5-§. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш**

11. Банк ушбу шартнома шартларига, Мижозни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, ўзгартириш киритишни таклиф қилиши мумкин. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга оид битим уни ҳар икки томон имзолангандан сўнг кучга киради.

### **6-§. Шартномани бекор қилиш**

12. Томонлар ушбу шартномани, бир-бирларига бир ой олдин ёзма хабар берган ҳолда, бекор қилиши мумкин.

13. Шартнома Мижознинг ташаббусига кўра бекор қилинганда, у ушбу шартнома бекор қилингунга қадар ва бекор қилингандан кейин, агар пластик карта Банкка қайтарилмаган бўлса, ўтказилган барча транзакциялар бўйича тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

14. Шартнома бекор қилинганда Банк Мижознинг пластик карта махсус ҳисобварағини ёпади, ундаги қолдиқ сумма Мижознинг аризасига кўра нақд пулда берилади ёки кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказилади.

### **7-§. Низоларни ҳал қилиш**

15. Барча келишмовчилик ва низоларни томонлар музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда, низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### **8-§. Яқуний қоидалар**

16. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, унинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Мижозда сақланади.

17. Шартномага мувофиқ тарзда ёки унга боғлиқ ҳолда юборилган барча хат ва хабарномалар ёзма тарзда расмийлаштирилган бўлиши шарт ва улар томонларнинг қуйида кўрсатилган манзиллари бўйича буюртма хат орқали юборилган ёки шахсан етказилган ҳамда уларни олганлик тўғрисида тасдиқнома мавжуд бўлса, улар белгиланган тартибда тақдим этилган ҳисобланади.

18. Мазкур шартнома билан белгиланмаган барча ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда иш олиб боради.

**7-§. Томонларнинг почта манзили ва реквизитлари**

Банк:

Манзили: \_\_\_\_\_

Тел.: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Банк коди: \_\_\_\_\_

Банк ҳисобварағи: \_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_

Бошқарувчи: \_\_\_\_\_

Мухр ўрни

Мижоз:

Манзили: \_\_\_\_\_

Тел.: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Банки \_\_\_\_\_

Сўм ҳисобварағи \_\_\_\_\_

Банк коди: \_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Мухр ўрни